

Соҳиба УМАРОВА

Суйима Ғаниева
ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ:
ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ
ВА МЕЗОНЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

СОҲИБА УМАРОВА

**СУЙИМА ҒАНИЕВА ИЛМИЙ-АДАБИЙ
МЕРОСИ: ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА
МЕЗОНЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

**Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2021**

уйқ: 821.512.133-193
КБК 82.3(5Ў)

Навийшунослик тарихида ўтган асрнинг 60-йиллари кўлэзма манбаларни ўрганиш ҳамда нашрга тайёрлаш ишларига эътибор сиёсий талаб даражасида кўтарилганлиги билан ажралади. Бу давр навоййшунослиги шоир илжодини муҳим ва долзарб муаммолар бўйича тадқиқ этиш босқичига кўтарила борди. Навоййшуносликда янгина тамойилларнинг ривож топиши шоир илжодини ўрганишда турли йўналишдаги илмий-эстетик таҳлиллар кўпая борганлиги, илмий мақола, монографиялар билан бирга илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши кенгайганлиги ҳамда навоййшунослик ишлари кўплаб олимлар томонидан махсус тадқиқ этила бошланганлиги билан аҳамият касб этади. Ушбу монографияда навоййшунос, матншунос олима Суййима Ғаниеванинг тадқиқот усуллари ва мезонлари тадқиқ этилган.

Монография адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртининг ўзбек филологияси талабалари, магистрантлар ҳамда Суййима Ғаниева илмий фаолияти билан қизиққан кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

**Шухрат Сирожиддинов – филология фанлари доктори,
профессор**

Тақризчилар:

**Боқижон Тўхлиев – филология фанлари доктори,
профессор**

Усмон Қобилов – филология фанлари доктори, профессор

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети Кенгаши (28 октябрь, 2021, Баённома № 3)*

ISBN 978-9943-6085-7-3

© УМАРОВА СОҲИБА, 2021
© "MUMTOZ SO'Z", 2021

КИРИШ

Мамлакатимиз "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бугунгидай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўғониш даври Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш зар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиши¹ ҳамда "миллий маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилаётгани"² боис ўзбек адабиётшунослари илмий ишлари, улар томонидан олиб борилган тадқиқот усуллари ва адабиётшунос-олимларнинг қатъий амал қилган мезонларини илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганишга асос бўлмоқда. Ўзбекистонда еттишиб чиққан илк шарқшунос олима, Шарқ мумтоз адабиётшиноси, хусусан, Алишер Навоий асарлари тадқиқи устида тинимсиз ишлаган, қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган профессор Суййима Ғаниева илмий-адабий меросини янгилик кўламда ўрганиш муҳимдир. Жумладан, олиманинг тарихийлик тамойили асосида асар матнини контекстуал таҳлил этиш ва шарҳлаш усуллари, илмий фаолиятидаги инновационлик, холислик, тизимлилик, ихчамлилик ва далилчилик каби мезонларни монографик тарзда ўрганиш соҳа нақиллари учун муҳим илмий хулосалар беради. Суййима

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон Чўқук шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" ги Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон "Қадимий элма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори.